

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент факультети
АКТ соҳасида иқтисодиёт кафедраси
Йўналиш 5340100–Иқтисод (алоқа ва ахборотлаштириш)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра _____
мудири _____ 2014 й
« ____ » _____

Талаба: _____ **Абдирахимов Муродулла Бахром ўғли**
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Корхона фаолиятида дебитор ва кредитор қарзларни камайтиришнинг асосий
йўналишлари мавзусидаги битирув малакавий ишига

Т О П Ш И Р И Қ

- 1. Мавзу университетнинг 2013 йил «30» декабр 1323–сонли буйруқ билан тасдиқланган**
- 2. Ишни ҳимояга топшириш муддати:** 30 май 2014 йил
- 3. Ишга оид дастлабки маълумотлар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти буйруқ ва фармойишлари, статистик маълумотлар, илмий адабиётлар ва услубий кўрсатмалар, интернет сайтлари
- 4. Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни:** ахборот коммуникация технологиялари соҳасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқаришнинг назарий асослари, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини амалдаги ҳолати таҳлили, корхона фаолиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш истикболлари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- 5. График материаллар рўйхати:** “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2010-2013 йиллар бўйича кўрсатилган хизматлар, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йиллардаги молиявий ҳолатининг таҳлили, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йилдаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги таҳлили, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги таҳлили.
- 6. Топшириқ берилган сана** 14.01.2014 йил

Раҳбар _____

Топшириқ олдим _____

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1. Боб.	Мирзаев Ф.Р.	14.01.2014	14.01.2014
2. Боб.	Мирзаев Ф.Р.	10.02.2014	10.02.2014
3. Боб.	Мирзаев Ф.Р.	02.04.2014	02.04.2014
4. Боб	Борисова Е.А.	19.05.2014	19.05.2014

8. Ишни бажариш графиги.

№	Иш қисмларнинг номи	Бажариш муддати	Раҳбар имзоси
1.	Ахборот коммуникацият ехнологиялари соҳасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқаришнинг назарий асослари	10.02.2014	
2.	“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини амалдаги ҳолати таҳлили	02.04.2014	
3.	Корхона фаолиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш истиқболлари	19.05.2014	
4.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	25.05.2014	

Битирувчи _____
ИМЗО

2014 йил «_____» июнь

Раҳбар _____
ИМЗО

2014 йил «_____» июнь

Ушбу битирув малакавий ишида корхона фаолиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг таркибий тузилиши, уларни бошқариш тизимлари ва алоқа корхонаси мисолида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг умумий таҳлили бажарилди. Аниқ телекоммуникация корхонаси мисолида таҳлил ўтказилди. Шунингдек ахборот коммуникация технологиялари соҳасида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни камайтириш истиқболлари кўриб чиқилган.

В данной выпускной квалификационной работе проведён анализ составной структуры дебиторской и кредиторской задолженностей в деятельности предприятия, систем их управления, дебиторской и кредиторской ответственности на примере предприятий связи. Анализ проведён на примере конкретного предприятия телекоммуникации. А также рассмотрены перспективы уменьшения дебиторской и кредиторской ответственностей в сферы ИКТ.

This final qualifying work is devoted to analysis of the composite structure of receivables and payables in the enterprise, their management systems, accounts payable and responsibility on the example of communication. The analysis is conducted on the example of a particular enterprise telecommunications. And the prospects for reducing payables and responsibilities in the ICT sector.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1. КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мазмуни ва моҳияти	8
1.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблари ҳамда уларни бошқариш.....	16
2. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИНИНГ ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	
2.1. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг ахборот коммуникация хизматлари бозоридаги ўрни.....	28
2.2. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили	36
3. КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	46
3.1. Корхона фаолиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришнинг асосий йўллари.....	46
3.2. Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходимларни танлаш ва улар фаолиятини такомиллаштириш	51
4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	56
4.1. Мехнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш	56
4.2. Мехнат муҳофазаси соҳасида назорат органлари	60
4.3. Фавқулодда вазият ва улардан муҳофазаланиш	61
ХУЛОСА	67
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	70

КИРИШ

“Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислохотларимизни, иқтисодийтимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир”¹

И.А.Каримов

Ахборот коммуникация технологиялари соҳаси ишлаб чиқаришга капитал киритиш, техник қуролланганлик даражаси ва инсонларни иш билан таъминлаш бўйича Ўзбекистоннинг етакчи соҳаларидан биридир. У ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши, ҳамда иқтисодий ўсиши ва жамиятни ривожланишига таъсир этадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

АКТ соҳасининг роли иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотлар шароитида янги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда АКТ соҳасига қўйиладиган талаблар, соҳага катта ҳажмдаги капитал қўйилмаларни амалга ошириш ва мижозларга юқори сифатли, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган хизмат турларини кўрсатишдан иборат.

Ахборот коммуникация технологиялари соҳасини техник модернизация қилиш ва соҳани молиявий барқарорлигини оширишдаги асосий омиллардан бири алоқа корхоналарининг хўжалик маблағларини самарали бошқаришдир. Корхоналарнинг хўжалик маблағлари уларнинг хусусиятларига қараб турли гуруҳларга ажратилади ва шу гуруҳлар бўйича уларнинг назорати, таҳлили амалга оширилади. Алоқа корхоналари хўжалик маблағларини таркибий қисимларидан бири дебиторлик ва кредиторлик қарзларидир. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш

¹ Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йули бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. 2014. 34 б.

корхона айланма маблағларини бошқариш сиёсатининг бир қисми ҳисобланади.

Ҳозирда мулкӣ бирлик ва муносабатларнинг тизими фаолият якунида юқори унум ва натижавийликни, бутлик ва манфаат уйғунлигини, энг муҳими бозор тўкин-сочинлиги ва жамиятимиз фаровонлигини таъминлайди. Бозор иқтисодиётида ушбу жиҳатга бош масала сифатида қараш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини инобатга олган ҳолда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурсларни молиявий, моддий, ва меҳнат ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади.

Жадал иқтисодий шароитларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган зарур ҳодисадир. Лекин микроиқтисодиётда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари меъёрдан ошиб кетиб муддатидан кечиктирилса иқтисодиётнинг микро ва макро даражаларида жиддий фалокат сифатида бир қатор корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлигини келтириб чиқаради. Булар эса корхоналарни банкрот бўлишга олиб боради, давлат бюджетига даромад тушишини камайтиради, иқтисодиётнинг барқарор таракқиётига путур етказди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини бошқаришда фойдаланиладиган манбалар қаторига дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотлар ҳам киради. Хўжалик фаолиятини самарали бошқаришда бу мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотлар муҳим аҳамиятга эга. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар барча даражадаги бизнесменлар томонидан

халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда, у корхоналар маъмуриятига ҳам, ташқи фойдаланувчиларга ҳам зарурдир. Корхона менежерлари мазкур маълумотлардан фойдаланиб корхона ликвидлилигини ўрганишда, дивидендларни белгилашда, иш ҳақи таъминоти ва бюджет билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши имкониятидан фойдаланишлари мумкин. Бозор учун ишлаб чиқариш бор жойда пул маблағлари ўта муҳим иқтисодий восита бўлади. Пул маблағлари ишлаб чиқаришнинг такрорланишига хизмат қилади, иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади, ресурслар иштирокида товарлар яратилади, товарлар сотилиб яна пул олинади. Шундай ҳаракатнинг қайтарилиб туриши иқтисодий жараён юз берганини билдиради. Ҳар бир хўжалик юритувчисубъект ўзининг иқтисодий жараёнини мунтазам равишда давом эттириши учун маълум миқдорда пул маблағлари бўлишини тақозо этади.

Мазкур битирув малакавий ишимнинг мавзуси “Корхона фаолиятида дебитор ва кредитор қарзларни камайтиришнинг асосий йўналишлари” деб номланиб, ишнинг асосий мақсади дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтиришнинг асосий йўллари кўриб чиқиш ҳамда тегишли тавсиялар беришдан иборатдир.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун битирув малакавий ишига асосан қуйидаги вазифалар қўйилган:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини назарий жиҳатдан ёритиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини вужудга келиши сабаблари ва динамик ўзгаришига баҳо бериш;
- алоқа корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш тизимини ўрганиш;
- «Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиалининг 2010-2013 йиллардаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлилини амалга ошириш;
- алоқа корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

1. КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мазмуни ва моҳияти

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий, меҳнат ва пул ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритувчининг янги шароитларига босқичма – босқич тайёр бўлиб борди.

Корхоналар ўртасида бўладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва назорат ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб-китоб тўловларида кечиктирилган вақт бўйича фарқланишлар келиб чиқади. Бунда корхона томонидан тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, олинishi лозим бўлган мажбуриятлар эса дебиторлик мажбуриятлар ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларига қуйидагича шарҳ бериш мумкин. Қарши томонга тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, қарши томондан олинishi лозим бўлган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб-китобларнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Лекин тўлов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий аҳволига катта таъсир ўтказади. Шу мақсадда корхоналар фаолиятини юритувчида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда, корхона билан банк

ташкilotлар ўртасида, корхона билан солиқ органлари ўртасидаги, корхона билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкilotлари, шунингдек ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал

Корхона билан дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари келиб чиқадиган томонлар²

Дебиторлик мажбуриятлар:	Кредиторлик мажбуриятлари:
<ul style="list-style-type: none"> ▶ Корхоналар ва мол етказиб берувчилар ўртасида; ▶ Харидорлар ўртасидаги; ▶ Банк ташкilotлар ўртасида; ▶ Солиқ органлари ўртасидаги; ▶ Ижтимоий таъминот бўлимлари; ▶ Турли жамоат ташкilotлари ва бошкалар. 	<ul style="list-style-type: none"> ▶ Корхоналар ва мол етказиб берувчилар уртасида; ▶ Харидорлар ўртасидаги; ▶ Банк ташкilotлар ўртасида; ▶ Солиқ органлари ўртасидаги; ▶ Ижтимоий таъминот бўлимлари; ▶ Турли жамоат ташкilotлари ва бошкалар.

Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади. Корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг яна бир сабаби ҳисоб-китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади.

²Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили – Тошкент: ШАРҚ, 2007 й., 29 б.

Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса, бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича қуйидагилар киради:

- Ўзаро ҳисоб-китобларда тамонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;
- мулк ва унга эгалик қилишда маъсуллик ҳиссининг йўқлиги;
- ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;
- харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий ҳужжатлаштириш мезонларининг йўқлиги;
- ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда қатъий шартларнинг йўқлиги;
- кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;
- суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий давлат қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва х.к.

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда, унинг юзага чиқиш қаторлари ёки ўрни тушунилади. Корхона баланси бўйича унинг қуйидаги қаторларини таркиблаб ўтиш мумкин: харидор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлар, иш ҳақидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, солиқлар ва турли бошқа тўловлар бўйича дебиторлик мажбуриятлари ва х.к.

Таҳлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг ҳажми таркиби ҳамда вужудга келиш муддати бўйича, ўрганиш асосида уларнинг ҳолатига, айланувчанлик даражасига, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган молиявий ҳолат кўрсаткичларига баҳо берилади.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор бўлган томонлар бўйича мажбуриятларнинг қаторланиши, уларни тўлаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади.

Кредиторлик мажбуриятларининг тўлаш муддатлари бўйича қуйидаги таркибини бериб ўтиш мумкин:

- тўлаш муддати келган мажбуриятлар;
- тўлаш муддати ўтиб кетган мажбуриятлар.

Йил календар даврининг тақвими бўйича кредиторлик мажбуриятларининг қуйидаги шакллари бериш мумкин:

- ➔ 1 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- ➔ 1 ойдан 2 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- ➔ 2 ойдан 3 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- ➔ 3 ойдан 6 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- ➔ 6 ойдан 1 йилгача бўлган мажбуриятлар;
- ➔ 1 йилдан ортиқ муддатга бўлган мажбуриятлар.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффиценти ва даври аниқланади. Лекин, бунда қатнашувчи кўрсаткичлар фарқланади. Кредиторлик мажбуриятларининг айланишини ўрганишда асосий кўрсаткичлар сифатида насияга олинган ёки ҳали пули тўланмаган моллар, ашёлар, иш ва хизматлар суммасига ҳамда кредиторлик мажбуриятларининг ҳақиқий кўрсаткичларига мурожаат қилинади.

Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида муддати ўтган, тўлов муддати келган ва тўлов муддати ўтмаган мажбуриятларни алоҳида таркибланиш мумкин.

Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чиқиш сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- корхонада молиявий ҳолатнинг носоғлом эканлиги;
- корхонанинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- ликвид маблағлари айланувчанлигининг узоқлиги;
- шартнома мажбуриятларига ва тўлов шартларига амал этмаслик;
- хўжалик шартномалари бузилишидан қўриладиган зарарларнинг тўғри қопланмаслиги (шартномалар бузилишида қўлланиладиган чораларга амал этмаслиги);
- замонавий ҳисоб-китоб шаклларига йўл берилмаганлиги ва ҳ.к.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддати 3 ой ёки 90 календар кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сўнг дебиторлик, кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати буйича давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқуқий шахслар ўртасида ҳам, корхона билан жисмоний шахслар уртасида ҳам 3 йил муддат қилиб белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фонди ва зарарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат тамонидан назорат қатори сифатида олинган. Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига қўшилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси буйича солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига олиб бориш шартлари давлат ҳисоб, солиқ қонунчилигига мувофиқ қатъий тартибланган. Яъни, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига олиб боришга қадар уларни тулаш ёки ундириб олиш юзасидан қандай ёзишмалар ёки муурожаатлар

бўлган, орбитраж қарори чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги ва х.к. буйича дастлабки ҳужжатлар тўплами тайёрланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва зарарлар қаторига олиб бориш мумкин. Акс холда, зарурийлик шартида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олиниб, маъсуллар жавобгарликка тортилади.

Муддати ўтган, тўлаш муддати келган мажбуриятлар алоҳида ҳисобга олинади ва бошқарилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномада алоҳида қаторланади. Уларнинг Республика ичкарисидаги корхоналар ва Республикадан ташқаридаги корхоналар ўртасида муддати ўтган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий ҳолатини оғирлаштирувчи асосий сабаб фактори сифатида олинади ва муҳим эътибор берилади.

Жадал иқтисодий шароитларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган зарур ҳодисадир. Лекин микроиқтисодиётда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари меъёрдан ошиб кетиб муддатидан кечиктирилса иқтисодиётнинг микро ва макро даражаларида жиддий фалокат сифатида бир қатор корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлигини келтириб чиқаради. Булар эса корхоналарни банкрот бўлишга олиб боради, давлат бюджетига даромад тушишини камайтиради, иқтисодиётнинг барқарор тараққиётига путур етказиши мумкин. Дебиторлик қарзлари ўз моҳиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: нормал ва нормал бўлмаган дебиторлар.

Нормал жараён туфайли келиб чиқадиган қарзга қуйидагилар кириши мумкин: маҳсулот етказиб берувчиларга шартнома асосида берилмаган бўнақлар (газ, электр энергияси, автотранспорт ва алоқа хизматлари, материаллар харид қилиш), шунингдек, тўловларнинг товар билан қайтарилмаган қисми, ҳисобот бериш шартин билан пул олган (берилган бўнақлар буйича) шахсларнинг белгиланган ҳисобот топшириш муддатлари доирасидаги қарзлари.

Нормал бўлмаган дебиторлик қарзи: камомадлар, талон-тарожлар, ва ўғрилиқлар бўйича қарзларни, товарлар (ёки хизматлар) миқдори ва сифати белгиланган ассортиментга мос келмаслиги туфайли билдирилган ҳамда жавоб берувчилар тан олган ёки ҳақамлар қарорқилган қарзлардир.

Хўжалиқ фаолияти жараёнида тугалланмаган ҳисоб-китоблар бўйича нормал кредиторлик қарзлари қонуний тарзда вужудга келади. Булар қуйидагилардан иборат:

➤ счётлар бўйича белгиланган ҳақ тўлаш муддатлари доирасида маҳсулот етказиб берувчилар олдидаги қарздорлик;

➤ меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ишчи ва хизматчилар олдидаги ҳамда ижтимоий суғуртага ажратмалари бўйича қасаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлари олдидаги қарздорлик;

➤ моддий бойликларнинг ҳақини тўлаш муддати ҳали келмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган қарздорлик;

➤ солиқлар бўйича давлат олдидаги қарздорлик ва бошқалар.

Кредиторлик қарзи молиявий интизом ҳамда белгиланган ҳисоб-китоб тартиби бўзилиши муносабати билан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари бўйича ва амалга оширилмаган маҳсулот етказиб беришлар бўйича товар етказиб берувчиларга қарзлар; олинган моддий бойликлар қиймати тўланган счётлар сўммасидан ортиқ бўлганида вужудга келадиган маҳсулот етказиб берувчиларга қарзлар ва ҳоқозо.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳам нормал эмас. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги 1999 йил 19 июлдаги Фармонида муддати 90 кундан ошиб кетган қарзлар муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари деб ҳисобланиши кераклиги белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси

Фукаролик кодекси 150-моддасига мувофик қарзлар юзасидан даъво аризаси бериш мумкин бўлган умумий муддат уч йилни ташкил этади³.

Дебиторлик қарзи — корхонанинг айланмасидан чиқиб қолган ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларда турган маблағларидир. Корхонанинг ўз маблағлари ёки бошқа корхоналарнинг маблағлари бу қарзларни коплаш манбаи бўлиб хизмат килади. Дебиторлик қарзи қайтарилганида ҳисоб-китоб счётлари валюта счётларидаги, кассадаги пул маблағлари ёки товар-моддий бойликлар кўпаяди. Баланс якуни ўзгармайди. Лекин агар корхона бошқа корхоналар ёки банклардан кредитлар олиш ҳисобига маблағ берган бўлса, баланс якуни шу сўммага кўпаяди, яъни дебиторлик қарзи ва олинган қарз сўммаси бошқа юридик ёки жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлар сўммаси кўпаяди. Бироқ, корхонанинг ўзида бу маблағлар бўлмайди.

Кредиторлик қарзи — бошқа жисмоний ва юридик шахслардан вақтинча жалб этилган маблағлардир. Улардан шу корхонанинг айланмасида вақтинча фойдаланилади. Уларни тўлаш муддати келганида бу маблағлар айланма маблағлар сўммасидан олиб берилиши керак.

Кредиторлик қарзи қайтарилганида мажбуриятлар сўммаси камаяди ёки қарз тугатилади. Шунингдек, айланма маблағлар, яъни пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ҳам камаяди. Бундай ҳолатда бухгалтерия балансининг якуний сўммаси камаяди, қарз корхонанинг маблағлари ҳисобидан ўзилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганиш дебиторлик қарзи қоида тариқасида, пул ва моддий маблағлар амалда чиқиб кетиши ҳисобига пайдо бўлишини, уларнинг камайиши эса пул ва моддий маблағлар кайтиб келиши ёки қайта баҳоланиши натижаси бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Кредиторлик қарзи ташқаридан маблағлар келиши (махсулот етказиб берилиши, шуъба ва уюшмага кирган корхоналарга қарзлар) ҳамда хўжалик фаолияти жараёнида қарз пайдо бўлиб, унинг ёзилиши натижасида вужудга

³www.lex.uz

келади. Кредиторлик қарзининг ушбу гуруҳи бўйича қарз хўжалик фаолияти жараёнида ёзилганида пайдо бўлади, қарзлар олинган даромадлар ҳисобига тўланади.

Шу муносабат билан корхона раҳбарлари қарзни ёзиш даврининг қисқаришига ва у корхона даромадлари ҳисобидан тўланишларига эришишлари керак.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичларни билишни тақозо килади.

1.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблари ҳамда уларни бошқариш

Дебиторлик қарзларидан тушадиган маблағлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг асосий пул маблағлари манбаларидан бири ҳисобланади. Харидорлар мажбуриятларини ўз вақтида бажармасалар корхонада пул маблағлари дефицити келиб чиқади, жорий фаолиятини молиялаштириш учун корхонанинг айланма активларга бўлган эҳтиёжи ошади, молиявий ҳолати ёмонлашади. Бу эса ўз навбатида корхона ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб муносабатларни ўзгартириш, кредит ва қарзларни сўндиришга қаратилган мос сиёсатни ишлаб чиқиш кераклигини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари исталган хўжалик юритувчи субъектлар назорат қилиш бўйича асосий эътиборини фақатгина дебиторлик қарзларига эмас, балки, кредиторлик қарзларига ҳам қаратади. Шунинг учун қарзлар ҳаракати устидан қўйиладиган назоратнинг асосий вазифаларидан бири дебиторлик қарзлар даражасини кредиторлик қарзлари даражасигача ошмайдиган ҳажмгача камайтириш ҳисобланади.

Дебиторлик қарзлари устидан доимий назорат қарзлар кечикиш ва жарима солишгача йўл қўймай, ўз вақтида сўндирилишини таъминлаши керак.

Дебиторлик қарзлари корхонада нақд пулнинг камайиб кетишига олиб келади, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш узлуксизлиги бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун дебиторлик қарзлари устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз вақтида сўндирилмаган дебиторлик қарзлари бўйича қарздорларга нисбатан жазо чоралари ёки бирор бир жавобгарликка тортиш бошқарувда муҳим саналади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келиш сабаблари:

1. Бир тизимга бўйсунувчи корхоналар ўртасида занжирли боғланиш мавжудлиги (бунга мисол сифатида давлат хариди бўйича етиштирилган маҳсулотни давлатга етказиб бериш, ўз навбатида давлат томонидан хўжалик субъектига зарур моддий ресурслар етказиб берилишини келтириш мумкин);
2. Корхоналарда молиявий беқарорлик ҳолатларининг юзага келиши;
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича таъсир доирасининг пастлиги (бунга мисол сифатида қарзлар бўйича жарималарнинг пастлиги уларнинг сунъий равишда ўсишини келтиришимиз мумкин);
4. Макроиктисодий беқарорлик ҳолатлари юзага келиши;
5. Аванс тўловлари амал қилиши.

Дебиторлик қарзларидан тушадиган маблағлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг асосий пул маблағлари манбаларидан бири ҳисобланади. Харидорлар мажбуриятларини ўз вақтида бажармасалар корхонада пул маблағлари дефицити келиб чиқади, жорий фаолиятини молиялаштириш учун корхонанинг айланма активларга бўлган эҳтиёжи ошади, молиявий ҳолати ёмонлашади. Бу эса ўз навбатида корхона ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб муносабатларни ўзгартириш, кредит ва қарзларни сўндиришга қаратилган мос сиёсатни ишлаб чиқиш кераклигини келтириб чиқаради.

Дебиторлик қарзлари устидан доимий назорат қарзлар кечикиш ва жарима солишгача йўл қўймай, ўз вақтида сўндирилишини таъминлаши керак.

Дебиторлик қарзлари корхонада нақд пулнинг камайиб кетишига олиб келади, бу ўз навбатида қандайдир операция бажаримай қолишига, айрим

ҳолларда ишлаб чиқариш тўхтаб қолишига олиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун дебиторлик қарзлари устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз вақтида сўндирилмаган дебиторлик қарзлари бўйича қарздорларга нисбатан жазо чоралари ёки бирор бир жавобгарликка тортиш бошқарувда муҳим саналади.

Дебиторлик қарзларининг миқдори айланма активлар таркибида эгаллаган улушидан келиб чиқиб ўз таъсирини кўрсатади. Корхонада кўп ҳолатларда оз бўлсада дебиторлик қарзлари бўлади. Бу одий ҳолат бўлиши мумкин, лекин ҳозирги кунга келиб корхоналар бўш пул маблағларидан янада самарали фойдаланишга интилишларини ҳисобга оладиган бўлсак, дебиторлик қарзлари бу ҳолатда фойдаланиб бўлмайдиган бўш турган маблағлар ҳисобланади.

Дебиторлик қарзларини бошқариш корхона айланма активларини бошқариш умумий сиёсати таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, дебиторлик қарзларини бошқариш корхона маркетинг сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Дебиторлик қарзлари :

- Харидор ва буюртмачилар қарзи;
- Олинган векселлар;
- Шўба ва филиаллар қарзи;
- Берилган аванслар;
- Бошқа дебиторлик қарзлари.

Дебиторлик қарзларини бошқаришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- Дебиторлик қарзлари бўйича аниқ чегара ва меъёрни белгилаш;
- Истеъмол кредитлари, тижорат кредитлари бўйича аниқ схемалар ишлаб чиқиш (тўлов жадвалларини ишлаб чиқиш);
- Харидорлар билан оптимал ҳисоб-китоб шаклини шакллантириш, олдиндан тўлов, аккредитивлардан максимал фойдаланиш (аккредитив –

тўловни кафолатлаш мақсадида тижорат банкида шартнома қийматига тенг миқдорда махсус ҳисобрақам очиш);

➤ Дебиторлик қарзларини муддатлар бўйича таснифлаш;

➤ Дебиторлик қарзларини диверсификациялаш (фақатгина санокли миждозлар бўйича дебиторлик қарзлари шаклланишига йўл қўймасдан кенг миқёсда кўплаб субъектлар билан ҳамкорликка киришишни назарда тутати);

➤ Дебиторлик қарзларининг корхона молиявий барқарорлигига таъсирини доимий мониторинг қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатини назорат қилиш ва ҳ.к;

➤ Дебиторлик қарзлари бўйича таъсир чораларини белгилаш, яъни етказиб берилган товарларга шартномада кўрсатилган муддатдан олдин тўловлар амалга оширилганда чегирмалар белгилаш (қўллаш) ва аксинча, муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича жарималар белгилаш (қўллаш) (ҳар иккаласи ҳам шартномада келтирилади);

➤ Дебиторлик қарзлари юзага келиши эҳтимоли паст бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришини ошириш ва аксинча дебиторлик қарзлари юзага чиқиш эҳтимоллиги юқори бўладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш дастурларини аниқлаштириш.

Дебиторлик қарзларини бошқариш 8та босқичдан иборат (1.2.1-расм).

Бундан ташқари исталган хўжалик юритувчи субъектлар назорат қилиш бўйича асосий эътиборини фақатгина дебиторлик қарзларига эмас, балки, кредиторлик қарзларига ҳам қаратади. Шунинг учун қарзлар ҳаракати устидан қўйиладиган назоратнинг асосий вазифаларидан бири дебиторлик қарзлар даражасини кредиторлик қарзлари даражасигача ошмайдиган ҳажмгача камайтириш ҳисобланади.




1.2.1-расм. Дебиторлик қарзларини бошқариш босқичлари⁴

Кредиторлик қарзлари:

- ▶ Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан қарз;
- ▶ Тўланадиган векселлар;
- ▶ Иш ҳақи бўйича қарзлар;
- ▶ Бюджет олдидаги қарзлар;
- ▶ Олинган аванслар;
- ▶ Бошқа кредиторлик қарзлари.

⁴Бланк И.А. “Финансовый менеджмент”, Киев – Ника-Центр – 2004, 195-б .

Корхонанинг тўловга қобилиятлилигини ва молиявий барқарорлигини сақлаш мақсадида кредиторлик қарзларини бошқаришда қуйидагиларга амалга оширилади (1.2.2-расм)



1.2.2-расм. Кредиторлик қарзларини бошқариш усуллари⁵

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида албатта маълум даражадаги дебиторлик ёки кредиторлик қарздорликка йўл қўяди. Чунки, ишлаб чиқариш

⁵ Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили – Тошкент: ШАРҚ, 2007й 70.6

корхоналарида маҳсулотни етказиб бериш билан унинг тўлови ўртасида доимо маълум бир фарқланишлар бўлиши табиийдир. Шу сабабли ҳам, дебиторлик қарзларининг таркибий тўзилишини ва уларнинг вужудга келиш муддатларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади - дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корxonанинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корxonанинг мажбуриятлар балансини ҳам тузиш мумкин.

Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини урганишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш сабабларини урганиш;
- корxonанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш муддатлари бўйича таснифлаган ҳолда урганиш;
- дебиторлик қарзларининг таркибий тўзилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- кредиторлик қарзларининг таркибий тўзилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;

➤ дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;

➤ муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йўллари йўрганиш;

➤ қарзларни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва хоказо.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

✓ корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари;

✓ «дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» дан;

✓ бухгалтерия ҳисобининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини акс эттирувчи тегишли счёт маълумотлари.

Дебиторлик ва кредиторлик қазлари корхона баланси яни ҳар чорақда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда ҳам акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддатдан сунг дебиторлик кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати бўйича давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқуқий шахслар Ўртасида 1 йил, корхона билан жисмоний шахслар Ўртасида 3 йил муддат белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат тамонидан назорат қатори сифатида олинган. Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига кўшилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда сўммасини камайтирмайди.

Сармояни имобилизациялаш коэффициенти ($K_{с.им.}$) хўжалик маблағлари умумий сўммасида дебиторлик қарзининг улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{с.им.} = \frac{Деб.қарз}{с} \quad (1)$$

бунда: Деб.қарз - дебиторлик қарзи;

с - хўжалик маблағлари (сармоя)нинг умумий сўммаси.

Ушбу коэффициент қанча катта бўлса, умумий сармоя сўммасидан шунча кўп маблағ дебиторлик қарзига жалб этилади ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар қўлида бўлади.

Айланма маблағларни имобилизациялаш коэффициенти ($Айл.К_{маб.им.}$) дебиторлик қарзининг айланма маблағлардаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Айл. К_{маб. им.} = \frac{Деб.қарз}{Айл.маб.} \quad (2)$$

бунда: Айл.маб. - айланма маблағлар сўммаси.

Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, шунча кўп айланма маблағ айланишдан дебиторлик қарзларига жалб этилган бўлади ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар ихтиёрида бўлади.

Жалб этилган маблағлар коэффициенти ($K_{ж.м.}$) кредиторлик қарзининг хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ж.м.} = \frac{Кред.қарз}{с} \quad (3)$$

бунда: Кред.қарз - муайян санадаги кредиторлик қарзи сўммаси.

Коэффициент ошиб борган сари кредиторлик қарзининг корхона умумий хўжалик маблағлари сўммасидаги салмоғи ҳам ошиб боради ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг айланмага жалб этилган маблағлари кўпайишидан далолат беради.

Ушбу коэффициентдан кредиторлик қарзини таҳлил қилиш чоғида фойдаланилади. Агар маблағлар манбалари таҳлил қилинаётган бўлса, жалб этилган маблағлар коэффициентини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш зарур:

$$Кж. м. = \frac{П2Б}{с} \quad (4)$$

бунда: П2Б - баланс пассиви 2-бўлимининг жами.

У жалб этилган маблағларнинг хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги улушини кўрсатади.

Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари нисбатининг коэффициенти ($К_{кр.деб.н.}$) кредиторлик қарзининг дебиторлик қарзидаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Ккр. деб. н. = \frac{Кред. қарз}{Деб. қарз} \quad (5)$$

Агар ушбу коэффициент 1,0 дан кўп бўлса, у кредиторлик қарзи дебиторлик қарзидан ошиб кетганлигини, яъни хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги жалб этилган маблағлар бошқа юридик ва жисмоний шахслар кўлидаги маблағлардан ортиқ эканлигини кўрсатади ва аксинча. Агар бу коэффициент 1,0 дан кам бўлса - бошқа юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилган маблағлар жалб этилган маблағлардан ортиқ эканлигини кўрсатади.

Муддати ўтган дебиторлик қарзи коэффициенти ($К_{муд.д.к.}$) дебиторлик қарзида унинг муддати ўтган қисми қандай улушга эгаллигини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$K_{\text{муд.д.к.}} = \frac{\text{Муд.деб.к.}}{\text{Деб.қарз.}} \quad (6)$$

бунда: Муд.деб.к. - муддати ўтган дебиторлик қарзи сўммаси.

Ушбу коэффициентнинг ортиб бориши қарзларни ундиришдаги мавжуд камчиликларни, молиявий аҳвол, буюртмачилар, харидорлар томонидан ҳисоб-китоб-тўлов интизоми бўзилаётганлиги каби салбий жараёнларни кўрсатади.

Муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффициенти ($K_{\text{муд.кр.к.}}$) кредиторлик қарзида унинг муддати ўтган қисми қандай улушга эгаллигини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{\text{муд.кр.к.}} = \frac{\text{Муд.кред.к.}}{\text{Кред.қарз}} \quad (7)$$

бунда: Муд.кред.к - муддати ўтган кредиторлик қарзи сўммаси.

Бу коэффициентнинг ортиши ҳисоб-китоб-тўлов интизомида камчиликлар мавжудлигини, корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлигини, унинг ноликвидлиги ва тўловга қобилиятсизлигини кўрсатади.

Бўларнинг барчаси корхонанинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатади. Корхона раҳбарлари муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тугатиш, шунингдек, маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб ҳамда тўлов интизомини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўриши, бюджетга солиқларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаши керак.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳар бир тури бўйича уларнинг келиб чиқиш сабабларини, бу маблағларни қайтариш имкониятини аниқлаш, уларни камайтириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Ҳар бир корхона раҳбари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати фақат шу корхонанинг эмас, балки унга ҳамкор корхоналарнинг ва умуман

бутун республика иқтисодиётининг молиявийаҳволига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири эканлигини доимо назарда тутиши керак.

Тахлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг ҳажми таркиби ҳамда вужудга келиш муддати бўйича ўрганиш асосида уларнинг ҳолатига, айланувчанлик даражасига, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган молиявий ҳолат кўрсаткичларига баҳо берилади.

Кредиторлик мажбуриятларини тахлил этишда уларнинг юзага келиш ўрни, муддати ва таркибига алоҳида аҳамият қаратилмоғи лозим. Муддати ўтган кредиторлик қарзларга йўл қўйилиши корхонага нисбатан турли иқтисодий оғохлантиришларнинг қўлланилишига, иқтисодий жарималарга ҳамда корхонага бўлган ишончнинг пасайишига олиб келади.

Икки томонлама шартнома мажбуриятларида бир корхонанинг ўзи ҳам дебитор, ҳам кредитор бўлиши мумкин. Масалан, товар етказиб бериш шартномаси бўйича товарлар берилган бўлса-ю, уларнинг пули тўланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчида бу сўмма дебиторлик қарзи деб кўрсатилади ва у дебитор деб, яъни харидорга маълум сўммадаги товарларни қарзга берган деб ҳисобланади. Шу корхонанинг ўзи мазкур товарларни сотиб олган харидор учун кредитор бўлади. Харидор сотиб олинган товарлар бўйича мана шу қарз сўммасини батамом тўлаб бўлгунча кредиторлик қарзи деб кўрсатади.

2. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИНИНГ ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг ахборот коммуникация хизматлари бозоридаги ўрни

Бугунги кунда ахборот-коммуникациялар корхоналари даромадлари дунё ялпи маҳсулотининг уч фоизини, соҳа учун моддий техникавий ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўшиб ҳисоблаганда эса, беш фоиздан кўп миқдорни ташкил этмоқда. Яқин йилларда эса ушбу кўрсаткич янада ўсиши кутилади. Бу борада янги ахборот технологияларининг салмоғи тезкор ортиб бормоқда. Замонавий глобаллашув дунё иқтисодий тизими динамикасидаги сезиларли ўзгаришлар билан тавсифланади. Айниқса, охириги ўн йилликларда глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда Ўзбекистонда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, Интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш олдинги ўринга чиқмоқда.

“Ўзбектелеком” АК йирик телекоммуникация оператори бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини ўз тармоғи билан қоплаган. У ҳукумат идоралари ва муассасаларига телекоммуникация хизматларини етказувчи етакчи компания ҳисобланади. Компания турғун ва мобил алоқа операторлари ҳамда интернет провайдерлари учун каналларни ижарага бериш, барча хилдаги товушли алоқа ва маълумотларни узатиш хизматлари, Интернет тармоғи, видеоконференцалоқа, СДМА стандарти асосидаги мобил алоқа каби хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ундан ташқари, телевидения ва радио эшиттириш дастурларини узатиш учун каналлари ташкил этиб боради.

“Ўзбектелеком” АК халқаро алоқа ташкилотлари билан ўзаро фаолият олиб боради. Халқаро телекоммуникация лойихаларида иштирок этади,

телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқарувчи хориж оператор ва компаниялари билан икки томонлама ҳамкорлик фаолиятларини амалга ошириб боради.


Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида ҳам бир қатор таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан «Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 декабрдаги «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 488-сонли ҳамда Компания кузатув кенгашининг 2002-йил 1-февралдаги қарорларига мувофиқ Компаниянинг ҳудудий филиали мақомида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Филиал «Ўзбектелеком» АК мавжуд лицензиялари асосида, Қашқадарё вилоятидаги исътемоличиларга маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқа ҳамда телеграф хизматларини, шу қаторда алоқа тармоқлари орқали Интернет сервис провайдерлари билан ҳамкорликда маълумотни узатиш тармоғи хизматларини кўрсатади.

Филиалнинг маҳаллий телекоммуникатсия тармоғида жами 184 та телефон стантсиялари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сифими 63,0 минг рақамдан зиёдни ташкил этади. Шунлардан, қарийиб 58,0 минг рақами замонавий телефон стантсиялари асосидан монтаж килинган. Филиалнинг маҳаллий телекоммуникатсия тармоғидаги рақамлаштириш даражаси 93.5 % ташкил етмоқда.

Филиал таркибида 13 туман телекоммуникация боғламалари мавжуд бўлиб, миждозларга барча хилдаги товушли алоқа ва маълумотларни узатиш, алоқа операторлари ва провайдерларига каналларни ижарага бериш хизматларини кўрсатиб келмоқда (2.1.-расм).



2.1.1-расм. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали таркибий тузилмаси⁶

Мустақиллик йиллари давомида, Қашқадарё вилоятининг маҳаллий телекоммуниатсия тармоғини модернизатсия қилиш ва ривожлантириш борасида қатор лойихалар амалга оширилиди. Жумладан, 2012 йили ХХР нинг Хитой тараққиёт банки лойихаси доирасида “Huawei technologies” томонидан ишлаб чиқарилган ва умумий сифими қарийиб 30,0 минг рақамга мўлжалланган рақамли телефон стантсиялари асосида

⁶“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали 2012 йил фаолияти тўғрисидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

монтаж килинди. Шунингдек, Қарши-Термиз шаҳарларини туташтирувчи узунлиги 360 км.ли оптик толали алоқа линиялари ўтказилди.

Филиалнинг зона ичи алоқа тармоғини замонавий рақамли узатиш тизимлари асосида модернизатсия қилиш борасида ҳам сезиларли даражада ишлар амалга оширилди. Хусусан, Камаши-Яккабоғ, Қарши-Нишон, Қарши-Бешкент, Бешкент-Муғлон, Муғлон-Миришкор, Яккабоғ-Чироқчи, Косон-Оқтепа участкаларида оптик толали алоқа линиялари ўтказилди.

Филиалнинг бошқарув тузилмасига келадиган бўлсак “Қашқадарё Телеком” филиали бошқарувини “Ўзбектелеком ” АК қонунларига биноан, филиалга берилган мулклар учун жавобгар ва Ижройи аппарати билан ҳисоблашадиган директор амалга оширади. Ҳозирда “Қашқадарё Телеком” филиалининг амалдаги директори Ж.С.Бозоров .

Филиал директори филиал олдидаги вазифаларни бажарилиши юзасидан “Ўзбектелеком ” АК олдида жавобгар ҳисобланади.

Филиалнинг ҳар бир тузилма - бўлинмаларида бош муҳандис бўлиб, уларни биринчи ўринбосар бошқаради. Яъни биринчи ўринбосар техник ишлар бўйича жавобгардир.

Филиал ходимларининг асосий қисмини малакали ва олий маълумотли мутахассислар ташкил этади. Уларнинг билимларини мустаҳкамлигини таъминлаш учун доимий равишда малака оширишга юборилиб турилади. Бундан ташқари филиал кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратади. Ўқишни битириб келган ёшларни иш билан таъминлаш ёки иқтидорли ёшларни ўзлари ўқитиб олиш каби фаолиятларни олиб боради.

Филиалда бошқарув тизимининг соддалиги қарор қабул қилиш ва унинг ижросини осонлаштиради қамда бу чизиқли тизим содда ва самарали натижа бериб келмоқда.

“Қашқадарё Телеком” филиалининг ташкилий тузилиши қуйидагича (2.1.2-расм):



2.1.2-расм. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали ташкилий тузилиши⁷

⁷“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали 2012 йил фаолияти тўғрисидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

“Қашқадарё Телеком” филиали фаолияти самарадорлигининг йилдан йилга ўсиб боришининг асосий меъзонларидан бири бўлиб самарали фаолият олиб бораётган филиал ижро аппарати ҳисобланади (2.1.3-расм).



2.1.3-расм. “Қашқадарё Телеком” филиали бошқарув фаолиятини амалга оширувчи ижро аппарати⁸

Ушбу ижро аппаратининг фаолияти туманларда амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда 13 қисмга бўлинган. Ижро аппаратининг асосий

⁸“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали 2012 йил фаолияти тўғрисидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

вазифаларини туманлардаги телекоммуникация боғламалари амалга оширади.

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар натижасида, йилдан-йилга хўжалик юритувчи субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва сифати ошиб бормоқда. Бундан нафақат хизматдан фойдаланувчилар, балки филиалнинг ўзи ҳам фойда кўрмоқда. Филиал ўтган давр мобайнида хўжалик ҳисобидаги корхоналар, бюджет ташкилотлари ҳамда аҳолига турли хизматлар, яъни телефон алоқа хизмати, телеграф алоқа, интернет, IPTV ҳамда шу каби бошқа хизматлар кўрсатиш орқали ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини ошириб бормоқда. Буни биз 2010-2013 йиллардаги хизмат кўрсатишдан тушган тушумларида кўришимиз мумкин (2.1.4-расм).



2.1.4-расм. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2010-2013 йиллар бўйича кўрсатилган хизматлар, минг сўм⁹

⁹ “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2010-2013 йил молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Диаграммадан кўриниб турибдики филиал йилдан-йилга сифтли хизмат кўрсатиши орқали ўз даромадини ошириб бормоқда. Биргина 2012-2013 йилларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 йилда хизмат кўрсатишдан тушган тушум 7360 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 10193 млн сўмни ташкил этмоқда. 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 39% га ўсиш кузатилган. 2012-2013 йиллардаги ўсишни мижозларнинг талаби ошишидан келиб чиққан ҳолда, алоқа ва хизмат турларининг кўпайиши асосий омил сифатида кўрсатишимиз мумкин. Ўз навбатида бу жараёнлар филиалнинг молиявий кўрсаткичларни ўсишига ҳам олиб келмоқда (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йиллардаги молиявий ҳолатининг таҳлили, минг сўм¹⁰

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Ўсиш суръати	
			+/-, сум	%
1	2	3	4	5
Ҳисобланган тариф бўйича даромад (КҚС сиз)	7010230	7 747 765	737 535	111
Ишлаб чиқариш таннари	1168372	2 370 458	1 202 086	203
Ялпи даромад	5841858	5 377 307	-464 551	92
Давр харажатлари	1748467	1 448 126	-300 341	83
Бошқа даромадлар	0	369 299	369 299	100
Бошқа харажатлар	0	0	0	0
Асосий фаолиятдан фойда (зарар)	4093391	4 298 480	205 089	105
Молиявий фаолиятдан даромад	0	7 174	7 174	100
Молиявий фаолиятдан харажат	1232	0	-1 232	0
Умумумий фаолиятдан фойда (зарар)	4092159	4 305 654	213 495	105
Фавқулотда фойда	0	0	0	0
Фавқулотда зарар	0	0	0	0
Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар)	4092159	4 305 654	213 495	105
Фойда солиғи	368294	394 693	26 399	107
Соф фойда (зарар)	3723865	3 910 962	187 096	105

¹⁰“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йил молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи орқали муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Фиилиал томонидан ҳисобланган тариф бўйича даромад 2012 йилда 7010230 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 737535 минг сўмга ошиб, 7747765 минг сўмни ташкил этмоқда. Демак ҳисобланган тариф бўйича даромад 2012 йилда олдинги йилга нисбатан 11% га кўпайган. Худди шу кўрсаткичга пропорционал тарзда сотилган маҳсулотлар таннархи ҳам ошмоқда.

Фиилиалнинг молиявий фаолиятидан олинadиган даромадиги эътибор берадиган бўлсак, филиал томонидан 2012 йилда молиявий фаолиятидан даромад олинмаган, аксинча 1232 минг сўм харажат қилинган. 2013 йилда эса молиявий фаолиятидан 7174 минг сўм миқдоридан даромад олинмоқда. Бу эса соф фойдани олдинги йилга нисбатан ошишига олиб келмоқда. Яъни 2012 йилда 3723865 минг сўм, 2013 йилда эса 3910962 минг сўм соф фойдага эга бўлган.

Ҳозирги кунда филиал олдида турган асосий мақсад қўшимча хизмат турларини кенгайтириш ҳамда аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг талабини имкон қадар максимал даражада қондиришдан иборат. Бу борада филиал бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда.

2.2. “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларига баҳо беришда уларнинг баланс ҳолатига келтириб ўрганиш мумкин бўлади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси улар орасидаги ўзаро тенглик нисбатини характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча ҳолатлари ифодаланади. Демак, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари

тахдилини ўтказиш учун биринчи навбатда уларнинг балансини тузиш мақсадга мувофиқ (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йилдаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси¹¹

Дебиторлик қарзлари	2012	2013	Кредиторлик қарзлари	2012	2013
	йил	йил		йил	йил
	Минг сўмда			Минг сўмда	
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	106991	119851	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	28636	31453
Ходимларга берилган бўнақлар	-	-	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз	-	-
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари	22175	11107	Бюджетга тўловлар бўйича қарз	26154	27456
Ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи	7452	11458	Олинган бўнақлар	2720	4325
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи	-	-	Суғурталар бўйича қарз	-	-
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи	-	-	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	2896	4821
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар	-	-	Таъсисчиларга бўлган қарзлар	4672	5429
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	-	-	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	14684	21697
Бошқа дебиторлик қарзлари	37567	59102	Бошқа кредиторлик қарзлари	43574	52964
Жами	174185	201518	Жами	123336	148145
Кредиторлик қарзларининг дебиторлик қарзларидан ортиқчилиги			Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқчилиги	50849	53373
Баланс	174185	201518	Баланс	174185	201518

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансини

¹¹ “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2013 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадик, ўрганилаётган даврда корхонада жами дебиторлик қарзлари 201518 минг сўм бўлган бўлса, жами кредиторлик қарзлар эса 148145 минг сўмни ташкил этган. Яъни, дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзларидан 53373 минг сўмга кўп бўлган. Бу нисбатан ижобий ҳол бўлиб ҳисобланади. Лекин жадвал маълумотларидан шу нарса кўриниб турибдики дебиторлик қарзларининг асосий қисми 2012 йилда ҳам 2013 йилда ҳам “Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи” ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда “Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи” 2012 йилда 106991 минг сўмни, 2013 йилда эса ўтган йилги нисбатан 12860 минг сўмга ортган, яъни 119851 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ҳол филиал томонидан 2013 йилда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундиришда ўтган йилга нисбатан салбий натижага эришилганлигидан далолат беради.

Кредиторлик қарзлари таркибига ҳам эътибор берадиган бўлсак, мажбуриятларнинг асосий салмоғини “бошқа кредиторлик қарзлари” ва “мол этказиб берувчи ва пудратчиларга қарзлар” ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики филиал ўзининг мол этказиб берувчилари олдидаги мажбуриятларини етарли даражада амалга оширмаётганлигидан далолатдир. Демак, филиал келгуси даврда олдидаги мажбуриятларини бажариши учун ўзининг фаолиятини жадаллаштириш ва мажбуриятларни қисқартириш чораларини кўриш лозим бўлади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тенглиги 201518 минг сўмни ташкил этган. Шундан соф дебиторлик мажбуриятлари суммаси 53373 минг сўмни ташкил этган.

Умуман олганда жами дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқча эканлиги корхона учун бирмунча ижобий деб баҳоланади. Чунки, олиши лозим бўлган қарзи берадиган қарзидан кўпдир.

Таҳлилнинг кейинги босқичида дебиторлик қарзларига оқилона баҳо бериш мақсадида уларнинг таркибини 2012 йил ва 2013 йилни ўрганиш мақсадга мувофиқ (2.2.2- жадвал).

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик қарзлари таркиби¹²

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		Фарқи (+;-)
	Минг сўмда	Салмоғи, %	Минг сўмда	Салмоғи, %	
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	106991	61	119851	59	12860
Ходимларга берилган бўнақлар	-	-	-	-	-
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари	22175	13	11107	6	-11068
Ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи	7452	4	11458	6	4006
Таъсисчиларнингустав капиталига улушлар бўйича қарзи	-	-	-	-	-
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи	-	-	-	-	-
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар	-	-	-	-	-
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	-	-	-	-	-
Бошқа дебиторлик қарзлари	37567	22	59102	29	21535
Жами дебиторлик мажбуриятлари	174185	100	201518	100	27333

Маълумотлардан кўринадики, компаниядаги жами дебиторлик қарзлари 2013 йил бошига 174185 минг сўм бўлган бўлса, шундан, асосий қисми яъни 106991 минг сўмлиги ёки 61% харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи ва 37567 минг сўм ёки 22% бошқа дебиторлик қарзларидир. Йил охирига келиб дебиторлик қарзлари таркибида ўзгаришлар содир бўлди. Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи 12860 минг сўмга кўпайгани, яъни 119851 минг

¹²“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сўмни ташкил этиши натижасида уларнинг салмоғи 16% га кўпайган. Ушбу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин, чунки олдиндан тўланган қарзлар келгуси даврда пул маблағларини бошқа йўналишларга сарфлаш имконини беради.

Бундан ташқари қолган бандлар бўйича ҳам ўзгаришлар содир бўлган. Филиалнинг ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи эса йил бошига нисбатан 4006 минг сўмга ошган.

Шулар билан бир қаторда камайиш ҳам мавжуд. Яъни, бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари йил охирида 11107 минг сўмни ташкил этмоқда. Йил бошига нисбатан 11068 минг сўмга камайган.

Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида эътибор берилади. Негаки, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий аҳволига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициенти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг календар кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланишлар кунини аниқланади.

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо берадиган бўлсак, “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисоботи маълумотларига кўра 2012 йилда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум 7010230 минг сўм ва 2013 йилда эса 7747765 минг сўмни ташкил қилди. Жорий активларнинг суммаси

2012 йилда 21566264 минг сўм ва 2013 йилда 28409207 минг сўмни ташкил килди. Ушбу таҳлилни ўтқазिश мақсадида қуйидаги жадвални тузамиз (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги таҳлили, минг сўм¹³

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи(+;)
1	2	3	4
1. Жами дебиторлик мажбуриятлари, минг сўм	174185	201518	27333
2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	7010230	7 747 765	737 535
3. Жорий активлар, минг сўм	3 181 604	3 331 539	149935
4. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари, минг сўм	-	-	-
5. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти (2/1)	40,25	38,45	-2
6. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1*360/2)	9	13	4
7. Жорий активлари таркибида дебиторлик қарзлари улуши, %	5,47	6,05	0,57
8. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши	-	-	-

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, ўрганилаётган даврда компаниянинг дебиторлик қарзларининг ҳолати ўтган йилга нисбатан 27333 минг сўмга ошган. Айни вақтда маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 737535 минг сўмга ўсганлигини кузатиш мумкин. Бунинг таъсирида дебиторлик қарзларининг ундирилиш даври 2012 йилда 9 кун, 2013 йилда 13 кунни ташкил этмоқда, бу

¹³“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2013 йил, 2012 йилга нисбатан 4 кунга узайган ёки 2 коэффициентга қисқарган. Яъни дебиторлик қарзларининг ундириб олиниши бирмунча секинлашган. Дебиторлик қарзлари айланишининг секинлашуви асосан қарзларнинг соф тушумга нисбатан ўсишнинг юқорилиги ҳисобига бўлган. Дебиторлик қарзлари айланиш даври 2013 йилда 13 кунни ташкил қилган, яъни дебиторлик қарзлар бир йилда сал кам 39 мартда айланиши мумкин.

Бу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами жорий активлари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0.57 % га кўпайганлиги аввало дебиторлик суммасининг ортиши ҳисобига рўй берган. Бундай натижалар корхона учун нисбатан салбий баҳоланади ҳамда корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалида муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд эмас.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор бўлган томонлар бўйича мажбуриятларнинг қаторланиши, уларни тўлаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади.

Шунингдек, дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффициенти ва даври аниқланади. Лекин, бунда қатнашувчи кўрсаткичлар фарқланади.

Юқорида бажарилган таҳлилнинг натижаларига кўра 2013 йил охирида компания дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзларидан 53373 минг сўмга кўп эди, шу боис кредиторлик мажбуриятларининг таркибига алоҳида баҳо берилди. Ушбу таҳлилни бажариш мақсадида бухгалтерия баланси маълумотлари асосида 2.2.4 - жадвал тузилди.

2.2.4 - жадвал

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг кредиторлик қарзлари таркиби¹⁴

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		Фарқи (+;-)
	Минг сўмда	Салмоғи %	Минг сўмда	Салмоғи %	
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	28636	23	31453	21	2817
Бюджетга тўловлар бўйича қарз	26154	21	27456	19	1302
Олинган бўнақлар	2720	2	4325	3	1605
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	2896	2	4821	3	1925
Таъсисчиларга бўлган қарзлар	4672	4	5429	4	757
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	14684	12	21697	15	7013
Бошқа кредиторлик қарзлари	43574	35	52964	36	8390
Жами	123336	100	148145	100	24809

Жадвал маълумотлардан кўринадики, компаниядаги жами кредиторлик қарзлари 2013 йил бошига 123336 минг сўмни ташкил қилган бўлса, шундан юқори салмоқларга қуйидаги моддалар эга бўлди: бошқа кредиторлик қарзлари 43574 минг сўм ёки 35%, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз 28636 минг сўм ёки 23%, ва бюджетга тўловлар бўйича қарз 26154 минг сўм ёки 21%. 2013 йил охирида йил бошига нисбатан кредиторлик қарзлари суммаси 24809 минг сўмга кўпайган ва уларнинг таркибида ўзгаришлар содир бўлди. Компания йил давомида 5817 минг сўмга кўп мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз олган бўлсада ушбу модданинг улуши 21 фоизни ташкил қилди. Яъни бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 2% га камайган. Шунингдек ушбу даврда бюджетга тўловлар бўйича қарз

¹⁴“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1302 минг сўмга ошган бўлсада унинг салмоғи 2.7 фоизга кискарди. Ушбу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин, чунки мажбуриятларнинг кискариши молия интизомига яхши таъсир кўрсатади. Кредиторлик қарздорликларнинг қолган моддалари суммаларида ўзгаришлар содир бўлган, лекин уларнинг салмоғи умумий сўммага катта таъсир кўрсатмаган.

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди. Кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги таҳлилини ўтказиш мақсадида қуйидаги жадвал тузилди (2.2.5-жадвал).

2.2.5 - жадвал

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги таҳлили, минг сўм¹⁵

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи(+;-)
1	2	3	4
1. Жами кредиторлик мажбуриятлари, минг сўм	123336	148145	24809
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннарҳи, минг сўм	1168372	2370458	1202086
3. Жами мажбуриятлар, минг сўм	560 819	995 592	434773
4. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари, минг сўм	-	-	-
5. Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти	9,5	16	6,5
6. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида	38	22	-16
7. Жами мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши	22	15	-7
8. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари улуши	-	-	-

Ушбу маълумотларга кўра 2012 йилда сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннарҳи 1168372 минг сўм ва 2013 йилда 2370458 минг сўмни ташкил қилди. Мажбуриятларнинг жами суммаси компания бўйича 2012 йилда 123336 минг сўм ва 2013-йилда эса 12002086 минг сўмга ошиб,

¹⁵“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг 2012-2013 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2370458 минг сўмни ташкил қилмоқда. Бу ўзгаришларнинг натижасида ўрганилаётган қарздорликларнинг айланиш даври 16 кунга камайган. Бунинг сабаби, 2013 йилда сотилган маҳсулот таннарихи 2012 йилдагига қараганда анча ошган. Яъни кредиторлик қарзларларнинг айланувчанлиги бир мунча ортган. Бундай натижалар компания учун нисбатан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Компания жами мажбуриятларнинг таркибида кредиторлик қарзларларнинг салмоғи 2012 йилда 22%, 2013 йилда эса 15% ни ташкил қилмоқда. Демак, 2013 йилда мажбуриятлар таркибидаги кредиторлик қарзларининг улуши 7% га камайган. Филиал жорий ва ўтган йилларда муддати ўтган кредиторлик қарзларлари мавжуд эмас, бундай ҳолатни албатта ижобий баҳолаш мумкин.

3. КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Корхона фаолиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришнинг асосий йўллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва самарали ислохотлар натижаси улароқ иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги сақланиб қолинмоқда, бунга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида иқтисодиётнинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришни эркинлаштириш дастурининг бекаму-куст бажарилиши ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро мажбуриятларнинг ўз вақтида ижро этилиши, тўлов интизомига амал қилинишини келтириш мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳар бир корхона эркинлигининг таъминланиши билан бирга уларнинг масъулияти ҳам ошиб боради. Бу айниқса хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларида яққол намоён бўлади. Мавжуд мажбуриятлар ўз вақтида ҳал қилинмаса, мос равишда бир қанча қушимча муаммоларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир юридик субъектдан ўзининг таркибидаги маблағлар ва уларни молиялаштириш манбаларини доимий равишда назорат қилиб туриш талаб этилади. Фаолиятнинг барқарорлигини таъминлаб туришда юридик шахслар қарзли муносабатларга киришади. Бу эса улар мажбуриятларининг ошиб кетишига олиб келади. Фикримизча, мажбуриятлар таҳлилин корхонанинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда аввало, мажбуриятларнинг юзага келиши, динамикаси, таркибий таҳлили, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, юридик шахсларнинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, молиявий мустақиллиги каби иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш таҳлилнинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Дебиторлик қарзларини бошқариш корхона фойдалилик даражасига таъсир этади ва паст самарали харидорларга нисбатан дисконт ва кредит сиёсати, қарзларни ундириш жараёнини тезлаштириш ва умидсиз қарзларини камайтиришни ҳамда кафолатланган пул оқимларини келиб тушушини таъминлайдиган сотиш шартларини аниқлаб беради. Дебиторлик қарзларини бошқаришга қуйидагиларни киритиш мумкин: буюртмаларни ҳисобга олиш, ҳисобларни расмийлаштириш ва дебиторлик қарзларининг шартларини белгилаш. Дебиторлик қарзларини бошқаришда баъзи бир нарсаларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Масалан, товарни сотиш операцияси ва у бўйича ҳисоб-фактурани жўнатиш орасидаги ўртача вақтни камайтириш. Шу билан бирга дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш зарур.

Дебиторлик қарзларини бошқариш иккита вақт заҳираси билан ҳам боғлиқдир: ҳисоб-фактурани ёзиб бериш ва уни почта орқали жўнатиш. Ҳисоб-фактурани ёзиш муддати бу истеъмолчига товарни жўнатиш ва у бўйича ҳисобни ёзишгача бўлган муддатдир. Корхона ҳисоб-фактурани товар билан жўнатиши мақсадга мувофиқдир.

Почта орқали жўнатиш муддати- ҳисоб-фактурани тайёрлаш билан уни истеъмолчи олишигача бўлган даврдир. Ҳужжатларни почта орқали жўнатиш вақтини ҳисоб-фактураларни марказлаштирмаслик ҳисобига ва почта жўнатмаларини (катта ҳажмдаги ҳисоб-фактураларни тезкор почта орқали жўнатиш орқали) тезлаштириш ҳисобига қисқартириш мумкин.

Дебиторлик қарзларини бошқаришдаги яна асосий хусусиятлардан бири сотиш ҳажмига ва пул оқимларига таъсир этадиган кредит муддатини аниқлашдир. Масалан, кредит муддатини нисбатан узайтириш сотув ҳажмини ошириши мумкин. Кредитга бериш муддати дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган харажат ва даромад билан тўғридан-тўғри боғлиқликка эгадир. Агар кредит бериш муддатлари қаттиқ бўлса корхонанинг камроқ воситалари дебиторлик қарзларига инвестиция қилинади ва умидсиз қарзлардан йўқотишлар кам бўлади, лекин бу сотиш шажмини камайишига,

корхона даромадининг пасайишига ва истеъмолчиларга салбий таъсир этишга олиб келиши мумкин. Бошқа томондан кредит бериш муддати ноаниқ бўлса, яъни узокроқ муддатни ташкил этса корхона сотиш ҳажмини ва даромадини оширишга эришиши мумкин, лекин шу билан бирга умидсиз қарзларнинг ошиши билан боғлиқ хатарни ва кам самарали истеъмолчиларни тўловларни ортга суриши билан боғлиқ харажатларини ортиши мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхонаси бўлса ортиқча товар захираларига, муддати ўтиб бораётган товарларга ёки мавсумий товарларга эга бўлса, дебиторлик қарзларининг муддатларини эркинлаштириш мумкин. Агар корхона товари юқори эҳтиёжга эга бўлса, дебиторлик қарзлари муддатини камайтириш ёки тўловни товарни етказиш жарёнида амалга оширишни қўллаш мумкин. Потенциал истеъмолчини тўлов қобилиятини баҳолашда унинг молиявий аҳволи ва мол-мулкига баҳо бериш зарур.

Кредит муддатини узайтириш ўзи билан бирга қўшимча харажатларни ҳам пайдо бўлишига олиб келади: кредит бўлимини, компьютер бўлимини маъмурий харажатлари ортиши, комисион ва бошқа харажатларнинг ортиши.

Дебиторлик қарзларини бошқариш усуллари ва ёндашувларда деярли ҳар бир корхона ва фирмаларда ўзига хослик мавжуддир. Лекин кўплаб фирма ва компанияларда энг кўп тарқалган усуллардан фойдаланилади.

Алоқа корхоналарида дебиторлик қарзларини бошқаришда ҳам хорижий ҳам анъанавий усуллардан фойдаланиш зарур. Алоқа соҳасидаги корхоналарда дебиторлик қарзларини бошқаришда тизимли ёндашув жуда кўл келади. Ҳозирги кунда алоқа корхоналарида дебиторлик қарзларини бошқариш билан фақат «дебиторлик қарзлари билан ишлаш бўлими» шуғулланаётган бўлса, тизимли ёндашувда корхона ҳуқуқшуноси, «мижозлар бўлими», «маркетинг бўлими», «дебиторлик қарзлари билан ишлаш бўлими» дебиторлик қарзларини бошқаришда битта тизим сифатида фаолият юритади.

Маркетинг бўлими – мижозларни тўлов ҳолатини ва уларга таъсир этадиган омилларни ўрганеди, иккинчи босқичга мижозларни тўлов башоратини етказеди.

Дебиторлик қарзлари билан ишлаш бўлими – юқоридаги бўлимлар тайёрлаб берган маълумотларга асосланган ҳолда дебиторлар билан ишлайди, қарздорликларни камайтириб, корхонанинг айланма маблағини ошишини таъминлайди.


Алоқа соҳасидаги корхоналарнинг дебиторлик қарзларини бошқаришда тизимли ёндашиш алоқа хизматлари учун тўловларнинг айланишини тезлаштиради, дебиторлик қарзларини камайтиради ва мижозлар билан ишлашда турли маркетинг ва бошқа усул ва воситаларни кенг қўллаш имконини беради.

Молиявий аҳволни яхшилашнинг асосий йўлларида бири корхонада дебитор қарзларининг кўпаймаслик чорасини кўришдир. Ҳозирги пайтда жуда кўп фирмалар ва корхоналар молиявий жихатдан барқарор эмас. Бундай ишончсиз субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўлиш ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Бундай корхоналарга товар бериш ва хизматлар кўрсатиш, пул ўтказиш ҳаракатдаги маблағни ўлик маблағга айлантириш билан баробар. Шу туфайли бундай хўжалик операцияларини содир қилишдан олдин ҳамкор субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини ҳам чуқур ўрганишни талаб қилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, уни қуйидаги расмда келтирилган таклиф ва тавсиялар орқали самарали натижага эришишимиз мумкин (3.1.1-расм)

Ҳар бир корхона раҳбари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати фақат шу корхонанинг эмас, балки унга ҳамкор корхоналарнинг ва умуман бутун республика иқтисодиётининг молиявий аҳволига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири эканлигини доимо назарда тутиши керак.

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар



3.1.1-расм. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар¹⁶

Ҳозирги шароитда корхоналарнинг жуда кўп харажати банклардан олинган қарз учун тўланадиган фоиз харажатиغا кетмоқда. Шу туфайли корхона имкони борича оборотдаги маблағларда ўз маблағининг улушини кўпайтириши ва ниҳоят барча оборот маблағларини ўзининг ҳисобидан қоплаши лозим. Бунда банкга тўланадиган фоиздан холос бўлади.

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш технологияси тез ўзгараётган, фан-техника тараққиёти жадаллашаётган пайтда асосий воситаларни жуда тез янгилашни тоқозо қилади. Бу эса эскириш сўммасини ҳисоблашнинг тезкор усулларини қўллашни талаб қилади.

Молиявий ахволни яхшилашда четдан жалб қилинган маблағлар, хусусан банк кредитининг ҳам роли катта. Корхонанинг молиявий потенциали таркибида четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси камайиб бориши лозим. Банк кредитининг фоиз юқори бўлиб турган ҳозирги шароитда ҳар бир корхона имкони борича ундан кам фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Иш барқарорлашиб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти бир меъёрга тушиб олган пайтдагина банк кредитидан фойдаланиш маълум даражада яхши натижа бериши мумкин. Шу туфайли молиявий ахволнини таъминлаш учун банк кредитидан фойдаланиш вақтини, унинг ҳажминини ҳам чуқур билишни талаб қилади.

3.2. Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходимларни танлаш ва улар фаолиятини такомиллаштириш

Ишлаб чиқаришда ва бошқаришда инсон омилига XIX аср иккинчи ярмидан катта эътибор берилди бошланди. Бу жараёни корхоналар сонининг кўпайиши ва улар ўртасида рақобатнинг кучайиши янада жадаллаштирди. Шу билан бирга XX асрда ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнини автоматлаштириш бошланди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёни жадаллик билан бораётган бўлсада, лекин инсон омили муҳимлигини йўқотгани йўқ. Айниқса бошқарув жараёнида инсонларнинг роли энг муҳимдир, чунки эксперт тизимлари ҳар қандай шароитда ҳам бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам бера олмайдими, яъни уларнинг таклифлари мавжуд муқобилларни энг оқилонаси бўлиб чиқмаяпти.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши, мамлакатлар ўртасида интеграцияни кучайиши, бозордаги рақобатни жадаллик билан кўпайишига олиб келди. Натижада компания ва фирмалар ўз ходимларининг меҳнат унумдорлигини ва сифатини ошириш бўйича янги илмий назарияларни амалиётга қўллай бошладилар. Шу билан бирга шу мақсад йўлида тажриба кузатувлар ўтказила бошланди. Бунинг натижасида корхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги ва сифатини ошириш бўйича янги усуллар аниқланди. Шундай усуллардан бири ходимларни танлаш ва ходимлар фаолиятини махсулаштиришдир.

Ходимларни танлаш ҳар бир инсоннинг тажрибаси, малакаси, билим даражаси, характери ва бошқа кўрсаткичлар бўйича ишга қабул қилишдир. Корхонада турли вазифалар мавжуддир, бу вазифаларни ходимлар томонидан самарали бажарилиши юқоридаги кўрсаткичларга боғлиқдир. Корхонада шундай вазифалар борки, уларни бажаришда дастлаб катта тажриба, билим талаб этилса бошқа вазифаларда ходим характери муҳим ҳисобланади. Инсонлар ўз характерларига кўра қуйидаги турларга бўлинишади: сангвиник, халерик, меланхолик, флигматик. Корхона ходимларини танлаш ва уларни жойига қўйиш корхона раҳбариятидан катта бошқарув санъатини талаб этади.

Алоқа корхоналари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳам корхонанинг мавжуд вазифаларидан ўзига хос хусусиятларига кўра кескин фарқ қилади. Шунинг учун алоқа корхоналарида вужудга келадиган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш вазифасига ходимларни бир неча кўрсаткичлар бўйича танлаш талаб этилади. Алоқа корхоналари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан ишлайдиган ходимларни танлашда асосан қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратиш лозим:

- 1) Билим даражаси ва тажрибаси. Ходимнинг билим даражаси ва тажрибаси дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришда ананавий усул билан хорижий усулларни қўллаш имконини беради. Дебиторлик

қарзларини камайтириш бўйича юқори раҳбариятга янги таклифлар бера олади;

2) Ходимлар характерини мумкин қадар инобатга олиш. Дебиторлик қарзларини асосий хусусиятларидан бири шундаки, уларни камайтириш жараёнида асосан ташқи муҳит билан ишлашга тўғри келади. Шу билан бирга ҳамма ходимлар ҳам ташқи муҳит билан ишлай олмайди. Шунинг учун бу вазифани инсонлар билан тез муомалага киришадиган, тез дўст орттирадиган инсонларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Булар юқорида келтирилган инсон харектирларидан сангвиникларга хосдир. Лекин фақат битта характерли инсон учрамайди балки аралаш учрайди. Шунинг учун сангвиник ва халерик табиатли инсонларни танлаш яхши самара беради. Сангвиниклар инсонлар билан муомалакор, халериклар эса пухта иш бажарувчилардир. Бундай инсонларни бирданига танлаб олиш мушкул бўлиши мумкин, лекин бундай инсонларни ходимлар ичидан танлаш мумкин.

Ходимларнинг меҳнат унумдорлигига ва сифатига таъсир этадиган омиллардан яна бири уларнинг вазифаларини такомиллаштиришдир. Бу жараёнда ҳар бир ходимга маълум вазифа ва функциялар бириктирилади ва улар бўйича жавобгарлик ҳам зиммасига юкланади. Бунинг натижасида ана шу вазифа бўйича ходимнинг тажрибаси, малакаси ва иш самараси ортади.

Алоқа корхоналари дебиторлик қарзларини хусусиятларидан ва истеъмолчилар сигментларидан келиб чиққан ҳолда корxonанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходимлар фаолятини махсуслаштириш мақсадга мувофиқдир. Дебиторлик қарзларини камайтириш билан шуғулланадиган ходимлар иш фаолятини махсуслаштиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

1) Дебиторлик қарзларини бошқариш билан шуғулланадиган ходимларни иккита гуруҳ бўйича махсуслаштириш, яъни битта ходимни давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхоналар ва қишлоқ

хўжалиги корхоналаридан вужудга келадиган дебиторлик қарзлари билан шуғулланиш вазифаси юклатилиши мумкин. Аҳоли ва хўжалик ҳисобидаги корхоналардан дебиторлик қарзлари билан шуғулланиш вазифасини яна битта ходимга юклаш лозим;

2) Корхона баъзи солиқ турларини тўлашни, айнан «схема» орқали тўланадиган солиқларни, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва кишлоқ хўжалиги корхоналарнинг кредиторлик қарзларини, шу корхоналар дебиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходим зиммасига юклаш керак. Хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг кредиторлик қарзлари билан шуғулланиш вазифасини, шу корхоналарнинг дебиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходим зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир;

3) Дебиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходимларга маошидан ташқари қарздорликни камйтиришига қараб қўшимча ҳақ тўлаш мумкин;

4) Бу жараёни амалга оширишда энг муҳим унсурлардан бири бу ходимларга бошқа, яъни ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юкламаслик лозим.

Алоқа корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан шуғулланадиган ходимларни танлаш ва улар фаолиятини такомиллаштириш натижасида корхоналар қуйидагиларга эришади:

✓ Иккита гуруҳ бўйича шуғулланадиган ходимлар меҳнат унумдорлиги ортади;

✓ Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришда турли ананавий ва хорижий усулларни самарали қўллаш мумкин бўлади;

✓ Дебиторлик қарзларини камайтиришдан ходимлар манфаатдорлиги ортади;

✓ Алоқа хизматлари учун тўловларни амалга оширишда тузиладиган «схема»дан самарали фойдаланилади, яъни «схема» орқали бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоблашишда пул маблағлари мумкин қадар рационал тақсимланади. Бу жараён натижасида бюджетдан дебиторлик қарзи камаяди;

✓ Ҳар бир гуруҳдаги ходим ўз йўналиши бўйича ташқи муҳит билан алоқа қилишда малака ва тажрибаси ортади;

Бу жараёни корхоналарда қўллаш орқали дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш жараёни такомиллашади ва олдинга қўйилган мақсадга олиб келади.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди. Шунингдек, касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид Республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади. Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шaroитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек, жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди. Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларга риоя этишлари шарт. Стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хорижда сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта қурилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

белгилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибга рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак. Йўл қўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва корхоналар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ва ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш курсини албатта ўтишларни ташкил этишлари керак. Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа хўжалик бошқаруви идоралари меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъий назар жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини

сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятдан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа маблағ ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май қонуни таҳририда-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998 йил 5-6 сон, 102 модда).

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш тақиқланган бўлиб, фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.

Корхоналар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек, илмий-тадқиқот ва лойиха конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни яқка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларини сотиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли, зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, пархез овқатлар бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битида кўзда тутилади.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари қасаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари қасаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган

шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазибаларига таалукли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас. Айрим бир вақтда меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

4.2. Меҳнат муҳофазаси соҳасида назорат органлари

Давлат назорат органлари:

1. Ижтимоий масалалар бўйича Давлат Меҳнат қўмитаси-Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш устидан назоратни амалга оширади.

2. Давлат тоғ техник назорати-бу босим остида ишлаётган қурилмалардан тўғри фойдаланиш ва қоидаларига риоя қилиш, кўтарувчи қурилмалар, газ қурилмалари иши, портлаш ишларини ўтказиш устидан назоратдир. Давлат тоғ техник назорати махсуслаштирилган инспекцияларига эга: Котлоназорат, Газ ва Тоғ инспекциялари.

Котлоназорат инспекторлари кўтарма кранлар, лифтлар, котеллар, иссиқ сув буғи учун қувирларни рўйхатдан ўтқазиб, ишлашига рухсат беради. Газ инспекцияси иншоотларни, уларнинг газ қурилмалари, асбоб ва коммуникациялари меҳнат муҳофазаси қоидаларига мувофиқ техник ахволи ва ишлатилишини таъминлайди, назорат қилади.

Тоғ инспекцияси портловчи моддаларни тўғри сақлаш ва ҳисобга олиш, шунингдек, портлатиш ишларининг хавфсиз ўтқазилиши устидан назоратни таъминлайди.

3. Давлат энергоназорат-энергия назорати бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади. Давлат энергоназорат органлари электр қурилмадан фойдаланишда, истеъмолчилар электр қувватидан фойдаланиш қоидаларига амал қилишда, ПУЭ, ПТЭ ва ПТБ корхоналари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar.

4. Сантехназорат-Республика соғлиқни сақлаш Вазирлиги санэпидемстанциясининг бош санитария–эпидемиология Бошқармаси юқумли касалликлар ва касб хасталикларининг олдини олиш, меҳнаткашларнинг маиший меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашни таъминловчи сан-гигиеник тадбирлар ўтқазиб устидан назоратни амалга оширади.

5. Ёнғин назорати-ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига амал қилиш устидан назоратидир.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрлари ижроси устидан олий назорат бош прокурор ва адлия органларига юклатилади.

4.3. Фавқулодда вазият ва улардан муҳофазаланиш

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кура 4 гуруҳга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай

вазият натижасида 10 дан ортиқ бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп булмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда — фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охириги вақтда Орол муаммосини ҳап қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнеп ва бошқа) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.


ФВДТ бошқарув органларининг объектлар даражасидаги вазифалари кўйидагилардан иборат:

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, объектлар ишининг ФВ чоғида ишончлилиги ва барқарорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- бошқарув органларининг, объектлар куч ва воситаларининг ФВ чоғидаги ҳаракатларга тайёрлигини таъминлаш;

- авария-қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга шу жумладан, объектлар ходимларини эвакуация қилишга рахбарлик қилиш;
- фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;
- объектларнинг рахбарлар таркиби, куч ва воситалари, шунингдек, ходимларини ФВлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш.

Ҳар бир корxonанинг ФМ бошлиғи ФМни ташкил этилишини, унинг ҳолатини, кучларини, техникасини доимий тайёр ҳолатда бўлишлигини назорат этади, ҳамда қутқарув ва қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади.

Қутқарув отрядларининг ташкилий тузилиши қўйидагича бўлиши мумкин(4.3.1-расм):



4.3.1-расм. Қутқарув отрядларининг ташкилий тузилиши

Ҳар бир корxonанинг ФМ бошлиғига ўринбосар тайинланади.

Катта корxonаларда бир неча ўринбосарлар тайинланади, жумладан:

- ишчи-хизматчиларни жойлаштириш (ёки эвакуация бўйича);
- муҳандис-техник ишлари бўйича;

в) моддий-техника таъминоти бўйича. ФМнинг ишчи-хизматчиларни жойлаштириш бўйича ўринбосари жойлаштириш режаларини ташкил этади, уларнинг оилаларини эвакуация этиш, жамоат тартибини сақлаш ишларига бошчилик қилиш ҳамда ишчи-хизматчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ишларини ташкиллаштириш вазифаларини бажаради.

ФМнинг мухандис-техник бўлими ўринбосари корхонанинг бош мухандиси ҳисобланади. Бунинг вазифаси ишлаб чиқаришни алоҳида режим асосида ишлаш режасини тузиш, тинчлик даврида ишлаб чиқаришни муттасил ишлашини таъминлаш, экстремал ҳолатларда авария-техника ва ёнғинга қарши хизматларни, қутқариш ишларини олиб боради.

Бундан ташқари, табиий офатлар, авария, ҳалокат бўлганда қутқариш ва аварияни тўсиш ҳамда қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади.

ФМнинг моддий техника таъминоти бўйича ўринбосари қилиб корхонанинг таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари тайинланади. Бу мансабдор шахс махсус жихозларни, техника, транспорт ва муҳофазага тааллуқли жихозлар билан таъминлайди ва сақлайди. Яна у бошпаналарни қуриш ва ўз қўл остидаги ишчи-хизматчиларни эвакуация қилишни таъминлайди ҳамда иншоотларни таъмирлаш ишларини бажаради.

Корхонада ФМнинг штаби тузилади. Бу штабда ҳар хил буйруқлар, бажариладиган чора-тадбирлар ва ФМнинг юқори ташкилот талабномалари, иш режалари ишлаб чиқилади, унинг бажарилиш ҳисоботлари тузилади. Корхона штаб бошлиғи этиб, шу корхонанинг ФМ бошлиғининг биринчи ўринбосари тайинланади. ФМнинг штаби зиммасида ишчи-хизматчиларни ва корхона ходимлари оилаларини қирғин қурооллар таъсиридан, душманнинг бевақт ҳужумидан ўз вақтида огоҳ қилиш вазифаси туради.

ФМ штаби асосида қўйидагн хизматли тизимлар ташкил этилади:

- Алоқа ва ташвиқот;
- Медицина;
- Радиация ва кимёвий қурооллар таъсирига қарши;
- Жамоат тартибини сақлаш;

- Электр таъминоти;
- Авария-техникани таъмирлаш;
- Панада ва қочоқлар масканида хизмат кўрсатиш;
- Транспортда хизмат кўрсатиш;
- Моддий таъминот ва бошқа вазифалар.


Буларга махсус топшириқларни бажариш вазифалари топширилади. Юқоридаги ҳар бир хизматга ФМ бошлиғи томонидан раҳбар этиб, бўлим, цех, смена бошлиқлари тайинланади.

Юқорида таъкидланган фуқаролар муҳофазасининг хизматли тизимларидан ташқари техника ва транспорт воситаларига махсус қайта ишлов беришда ФМнинг бир қатор хизматли қисмлари кенг ишларни ташкил этади. Жумладан, ФМ лабораториялари радиоактив ва захарли моддаларни аниқлаш учун радиометрик ва кимёвий таҳлил ишларини олиб боради. Улар асосан корхона ёки ташкилотларнинг лабораториялари таркибида ташкил этилиб, унга мутахассислар жалб қилинади ва керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Радиоактив моддалар ва биологик воситалар билан захарланган одамларни тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтказиш учун ювиниш масканлари ташкил этилади. Бу масканлар асосан хаммом ва душхоналар асосида ташкил этилиб, улар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бу масканларда кийим-кечаклар, пойафзал ва шахсий сақловчи воситаларни дезактивация қилувчи майдончалар тайёрланиб жиҳозланади. Бир ювиниш маскани бир соатда 80 одамни санитар қайта ишловдан ўтказди.

Кийим-кечак, пойафзал шахсий сақловчи воситаларни дегазация, дезактивация ва дезинфекция қилиш учун кийим-кечакларни зарарсизлантирувчи масканлар ташкил этилади. Булар асосан хаммом ва кийим-кечакларни ювувчи масканлар таркибида ташкил этилади. Бундай масканлар 1 соат ичида 50100кг кийим-кечакларни қайта ишлаш қувватига эга.

Транспорт воситаларни дегазация, дезинфекция ва дезактивация қилиш учун эса зарарсизлантириш шахобчалари ташкил этилади. Бу зарарсизлантириш шахобчалари асосан транспортларни ювувчи қисмлари таркибида ташкил этилиб, улар 1 соат мобайнида 45 та юк автомашиналарини зарарсизлантириш имкониятига эга бўлиши керак.



4.3.2.-чизма.Халқ хужалиғи, тармоқларида фуқаролар муҳофазасининг ташкилий тузилиши

Демак, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда асосий ролни фавқулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДТ) куч воситалари уйнайди. ФВДТ кучларига қўйидагалар киради:

1. Фуқаролар муҳофазаси қўшинлари;
2. Худудий ва объектларнинг харбийлашмаган умумий махсус мақсадли тизимлари;

3. Махаллий хокимият органларининг (вилоят, шаҳар ва туманлар) ФВВ қутқарувчи командаларининг тизимлари;

4. ФВВга тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи Республика ихтисослаштирилган тизимлари;

5. Вазирликлар ва идораларнинг харбийлаштирилган ҳамда профессионал ихтисослаштирилган авария-қутқарув ва авария тиклаш бўлинмалари;

6. Объектларнинг ихтисослаштирилган тизимлари;

7. «Қизил ярим ой» ҳамда «Қизил хож» жамияти кўнгилли отрядлари;

8. «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти. Буларнинг таркибида Республикамиз бўйича «Находкор», (РққМ)—Республика кидирув-қутқарув маркази ҳамда (СқХТ)—Сувдан қутқариш хизмати тизимлари тузилган бўлиб, Республикамиз миқёсида бўладиган ҳар қандай ФВда фуқароларни қутқариш вазифаларини бажарадилар.

ФВДТнинг маблағи қўйдагилардан таркиб топган: Давлат бюджетлари ҳисобидан, Махаллий бюджет ҳисобидан, Вазирлик ва унинг бўғинлари ҳисобидан, Муассаса ва ташкилотларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан, «Қизил хож» ва «Қизил ярим ой» жамиятининг бирламчи захиралари ҳисобидан ва бошқалардан.

ХУЛОСА

Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида ҳар бир корхона молиявий жараёнлари, ҳолати, тўлов қобилияти тўғридан-тўғри унинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳолати ва айланувчанлиги билан боғлиқ. Шу боис малакавий битирув иш корxonанинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг таҳлилига қаратилган.

Ушбу битирув малакавий ишда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари ҳақида сўз юритилди, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди ва бу фаолият турини такомиллаштириш юзасидан тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг аҳамияти, тадқиқот предмети ва объекти ҳамда тадқиқот ишининг олдига қуйилган мақсад ва вазифалари ёритилган.

Ишнинг биринчи боби “Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқаришнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мазмуни ва моҳияти, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблари ҳамда уларни бошқариш ҳақида фикр юритилган.

Ишнинг иккинчи бобида “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг ахборот коммуникация хизматлари бозоридаги ўрни ўрганилиб, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда, пул оқимлари, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг таҳлили ўтказилди. Ушбу қисмда ишнинг назарий қисмида ўрганилган кўрсаткичлар ҳисоби ўтказилди, компаниянинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили амалга оширилган.

Ишнинг учинчи бобида “Корхона фаолиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришнинг истиқболлари” деб номланган бўлиб, олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш асосий йўллари ва уни

такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар келтирилган. Ва тўртинчи қисмда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўрганиб чиқилди.

Умумий ҳолда битирув малакавий ишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- Алоқа корхоналарида мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш тизими ўрганилди;
- Филиалнинг умумий дебиторлик қарзларининг таркибий тузулишини таҳлили амалга оширилди;
- Кредиторлик қарзларини таркибий тузулишини таҳлили қилинди;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини айланиш кўрсаткичлари аниқланди;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини жами мажбуриятлар таркибидаги улуши аниқланди;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришда йўллари ва усуллари кўриб ўтилди.

Битирув малакавий иш натижалари асосида алоқа корхоналари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

— корхоналарнинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларини менежерларга тақдим этиш. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилишда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир;

— алоқа хизматлари учун тўловларни амалга оширишда корхонанинг маркетинг фаолияти ролини ошириш. Бунда маркетинг бўлими миқозларни алоқа хизматлари учун тўловни олдиндан ёки ўз вақтида амалга оширишга йўналтирилган рағбатлантириш усуллари жорий этиши, миқозларни сегментлари бўйича тўлов тизимини ишлаб чиқиши лозим. Маркетинг бўлими орқали аҳолидан алоқа хизматлари учун тўловни ундиришда ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш мумкин;

— Филиалнинг дебиторлик қарзларини бошқариш билан шуғулланадиган ходимларни ташқи муҳит билан ишлай олиши, тажрибаси, малакасига қараб танлаб олиши керак. Уларга ҳақ тўлашни дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтирганлик даражасига қараб рағбатлантириш усулида олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ходимлар фаолиятини мижозлар гуруҳига қараб махсуслаштириш лозим. Бу жавобгарликни оширади ва ўз гуруҳлари бўйича тажрибаси ва малакаси ошишига олиб келади.

Булардан фойдаланиш филиалнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ва улар билан боғлиқ харажатларни камайишига олиб келади. Натижада филиалнинг молиявий борқарорлиги ва жорий тўлов қобилияти ортади. Шу билан бирга филиал ташқи муҳит билан ишлаш самарасини оширади. Йиғилган маълумотлардан келгуси стратегик ва тактик режаларда фойдаланиш мумкин бўлади. Бу таклифлардан алоқа соҳасидаги ва иқтисодиётни бошқа тармоғларидаги корхоналарда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1993 й

2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 14 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдириб турилиши учун маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони. 1997 йил 9 июль.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, идоралар ва корхоналар айланма маблағларининг нормативлари тўғрисида»ги Қарори. 1997 йил 25 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги ПҚ-1487-сон «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон Фармони

7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

8. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгилиниш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. - Тошкент: Ўзбекистон. 2007.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2009.

10. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011.

11. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

12. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йули бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. 2014.
13. Абдукаримов И. Менежерга дебиторлик ва кредиторлик қарзларишақида, «Бозор, пул ва кредит» 1999 йил № 11.
14. Абдукаримов И. Менежерга корхона айланма маблағлари шақида, «Бозор, пул ва кредит» 1999 йил №10.
15. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси. 2008 й.
16. Абрамова А. М., Александрова Л. С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебное пособие. - М.: 1999 г
17. Абдуллаева Ш.А. Пул, кредит ва банқлар . Ўқув қўлланма-Т: Молия. 2003
18. Абдуллаев Е., Бобоқулов Т.И. Кредит. - Т: Молия . 1997
19. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Т.: “Fanvatechnologiya”. 2005. 300 с.
20. Арипов А.Н., Махмудов М.М. Ценовая политика и методология формирования тарифов на услуги телекоммуникаций. – Журн. “Экономический вестник Узбекистана”, №6. 2003. стр.36-39.
21. Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М. Совершенствование организации системы управления маркетингом услуг телекоммуникаций. Ж. “Экономический вестник Узбекистана”, 2003, № 8-9, стр.49-50.
22. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили – Тошкент: ШАРҚ. 2007 й.
23. Долан Э. Дж. Кемпелл Р. Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика.–М: Финансы. 2002
24. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, 2004 й.

25. Жумаев Н., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари- Т: Узбекистон. 2003
26. Каримова Д. Деловые и предпринимательские игры.- Т.: Шарк. 2007
27. Любушин Н.П. и др. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. М: ЮНИТИ. 2000 г.
28. Лаврушин О.И. Деньги, кредит и банки.. Учебник.- М: ФиС.2004 .
29. Муҳиддинов Ҳ.А., Иминов О.К. Телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий асослари. Т. 2005.
30. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т,: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005 й.
31. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь.-М.: Финансы. 2006
32. Питер С. Роуз «Банковский менеджмент» М: Дело Лтд. 2002
33. Ходиев Б. Оценка стоимости бизнеса.- Т.: Шарк. 2007.

Интернет сайтлари

www.gov.uz

www.google.uz

www.norma.uz

www.ccitt.uz

www.bankinfo.uz

www.forex.com

www.thebanker.com

www.ziyonet.uz